

ИЗЛАНИШДА ДАВОМ ЭТАДИЛАР

Тошкент Давлат дорилфунуни қошидаги Олий педагогика институтида Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлисининг IX сессиясида о'злаган нутқининг муҳокамасига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтади.

Унда Олий Мажлис депутати, Олий Мажлис иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси уринбосари Туронбой Файзуллаевнинг маърузаси тингланган.

Президент Ислам Каримовнинг "Қадрларни тайёрлаш миллий дастури ва таълим тизимида бўладиган ислохотлар тўғрисида"ги нутқида шу кунлардаги долзарб муаммолар кўтарилганлиги эътироф этилиб, йилгилишлар Президент томонидан таълим ходимларига кўрсатилаётган алоҳида эътибордан мамнун эканликларини ва бу соҳани ривожлантиришда янада изланишда давом этажакларини билдирди.


Тождиддин ҒАЙБУЛЛАЕВ.

АКРИЛ ФАБРИКАСИ ИШ БОШЛАДИ.

Жиззах шаҳрида сунъий тола ишлаб чиқарувчи ва ундан ип йиғирувчи акрил фабрикаси ишга туширилди. Фабрика йилига 500 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу, шаҳардаги "Зилола" устки трикотаж фабрикасининггина эмас, балки мамлакатимизнинг шу турдаги бошқа корхоналарининг ҳам сунъий ипга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Фабриканинг ишга туширилиши шарафати билан шаҳарда яшовчи 160 нафар йигит-қиз ишли бўлди.

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ.



ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛДИ

Мамлакатимизда аэропортларни таъмирлаш билан шуғулланаётган япон ишбилармонларининг "Мицуи" компанияси Бухородаги "Мармар" кўшма корхонаси билан ҳамкорлик шартномасини тузди. Шунга биноан ўзбек мармарчилари буюртмачига 150 миллион долларлик миқдорда мармар етказиб беришади. Қурилиш материали сифат жиҳатидан жаҳон андозасига монанд келиши лозим.

Абдулла ПУЛТОВ

ИБРАТЛИ ҲОМИЙЛИК

АҚШнинг Лейк-Пэксид шаҳридаги фигурачилар маҳорати марказида мамлакатимиз спортчилари бемалол сабоқ оладиган бўлдилар. "Кока-Кола" — "Тошкент-ПТД" кўшма корхонаси ўзбек фигурачиларининг океан ортига бориб келишлари учун бир йиллик авиабилетлар билан таъминламоқда. Шундай қилиб Олеся Пронина ва Рамил Саркулов Америкадаги спортчилар маҳорати халқаро марказида тренер Наталья Дубова раҳбарлигида спорт маҳорати сирларини ўрганадилар.

Мунира АЗИМОВА.

Ватанини севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 13 сентябрь, шанба № 108 (22.192).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таклифига биноан, Италия Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раисно Проли шу йил 17-18 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Теннис уйиндан сунг мени табриклаганингиз, Сизнинг менга бу қадар катта эътибор ва муносабат курсатганингиздан кунгилм тоғдай кутарилиди. Чунки, ҳаётимда биринчи марта Буюк давлат Президенти менга бунчалар эътибор бериб, самимий сузлар айтди. Бунинг учун Сизга катта раҳмат!

Ўзбекистон халқининг ўз раҳбарини

нечоғлик яхши куриши, қўллаб-қувватлаши ҳам мени ҳайратга солди. Бу ҳақиқатан ҳам ниҳоятда самимий учрашув бўлди.

Сизга бахт-саодат, баҳодирона сиҳат-саломатлик, машаққатли ва олижаноб ишингизда янги-янги ютуқлар, давлатингизга раванк, буюк халқингизга фаровонлик тилайман.

Яна бир бор самимий ташаккуримни қабул қилгайсиз!

Евгений КАФЕЛЬНИКОВ,
Ўзбекистон Президенти кубоғи учун IV халқаро теннис турнири иштирокчиси (Россия).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ТАСВИРИЙ ОЙИНА» ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистоннинг Мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар жараёнини кенг оммага тасвирчан ва жозибдор шаклларда етказиш, халқнинг чинакам бунёдкорлик ишларини, одамлар он-ида, руҳиятида, қиёфасида рўй бераётган ўзгаришларни тасвирий намоён этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси, Миллий ахборот агентлиги, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, республика Бадий академияси ва Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ижодий уюшма устави Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтганлиги эътиборга олинсин. «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари, мулк шаклидан қатъи назар ташкилот ва тижорат корхоналари билан тузилган шартномалар ва буюртмалар асосида ташкил қилиниши инобатга олинсин.

3. «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси маҳаллий ҳокимликлар буюртмаси асосида шаҳар, туман марказлари, аҳоли гавжум истиқомат жойларида Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик йулида

олиб борилаётган яратувчилик ишларини, мамлакатимиздаги янгилаш ва ислохотлар жараёнини намоийш қилувчи ижодий ўзгаришларнинг асл ижодкори — замондошларимиз сиймосини ёрқин акс эттирувчи курғазмалар ташкил этиши ҳисобга олинсин.

Ижодий уюшма фаолиятига асосий мақсад — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, эркин ҳаёт куриш йулида ватандошларимиз амалга ошираётган буюк бунёдкорлик ишларини ифодаловчи, она-Ватанга муҳаббат ва маънавий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбияловчи шiorлар, плакат ва паннолар билан безатиш вазифаси ҳам кириши назарда тутилсин.

4. «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб урин эгаллаётганини, азалий ва умумбашарий қадриятлар қарор топаётганини, кишилар руҳиятидаги ўзгаришларни оммавий ахборот воситаларида ёрқин ва ишонарли тасвирлаш юзасидан ёзувчилар, журналистлар, rassomлар, дизайн усталари, фотосуратчилар, кенг ижодкорлар доирасида «Энг улуг, энг азиз» курик-танловини ҳар йили мунтазам ўтказиши ва мустақиллик байрами арафасида яқулалиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитаси, Миллий ахборот агентлиги, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, республика Бадий академияси, Ўзбе-

кистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ва бошқа тегишли идоралар «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ишини ташкил этишга етакчи ижодкорлар ва малакали мутахассисларни жалб этишда қумаклашсинлар.

6. «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва унинг жойлардаги бўлимлари самарали фаолият курсатишлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ижодий уюшма билан келишган ҳолда буюртмаларга мос вилоят, шаҳар ва туман марказларидан курғазмалар учун жой ажратсинлар ва уларни жиҳозлаш, дизайн, зарурий ашёлар билан таъминласинлар.

7. «Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпаниясининг авиареклама бюроси, «Тошхазарнури» корхонасининг «Публикатор» хизмати, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг реклама бюrolари ўз ишларини «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси билан мувофиқлаштириб олиб бурсинлар.

8. «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси Вазирлар Маҳкамаси захирасидан 25 миллион сўм ажратилсин.

Ижодий уюшма узининг асосий фаолияти доирасидаги буюртмалари бўйича нерецидентлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун мулкхалланган миллий сўмини эркин муомаладаги валюталарга айирбошлаш биринчи навбатда ҳал этилсин.

9. Ижодий уюшмага, унинг жойлардаги бўлимларига уюшма уставида курсатилган мақсад ва вазифаларга қатъий мувофиқ ҳолда ишлаб чиқариш-хужалик, тадбиркорлик, ташки

иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилсин.

Ижодий уюшма, унинг бўлимлари ва уларнинг тасаруфидоги корхоналарнинг устаси доирасида фаолият курсатиб олган даромадлари солиқлардан, божхона божи ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа туловлардан 5 йил муддатга озод қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки уюшмани ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказсинлар ҳамда миллий ва хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун ижодий уюшманинг тегишли ҳисоб рақамларини очинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси ижодий уюшма бошқарувини Навоий кўчасидаги 30-уйга жойлаштириш масаласини ҳал қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси почта ва телекоммуникациялар агентлиги ижодий уюшмани шаҳар ва ҳукумат телефонлари билан, «Ўзавтосаноат» уюшмаси иккита «Дамас» (юк машинаси) ва иккита «Нексия» автомашинаси билан таъминласин.

12. Ижодий уюшма бошқаруви раиси меҳнатга ҳақ тўла, маъиший, тиббий ва транспорт хизмати курсатиш шартларини бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат кўмитаси раисининг биринчи уринбосарига тенглаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Раиси И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1997 йил 12 сентябрь.

Кунни кеча Тошкентда халқаро Орolni кўтариш жамғармаси бошқарувининг мажлиси бўлиб ўтди.

Олмаликда конрода саноатда фойдаланиш учун эмальсиз портловчи моддалар ишлаб чиқарадиган корхона фаолияти билан таништириш маросими бўлди.

Самарқандда Марказий Осие тадқиқотлари халқаро институти академик кенгашининг мажлиси бўлди.

«Бухоро» наشريети қадим шаҳарнинг

ВАТАН ХАРИТАСИ

2500 йиллик тўйи олдидан 40 нафардан ортик маҳаллий қалам аҳлининг ижод намуналарини тўплаб, китоб нашр этди.

Мамлакатимизда Хиндистоннинг қадимий қўлёзмалари кўргазмаси давом этмоқда.

«ФУЗЕН нусха кўчириш марказлари» номли Ўзбекистон — Америка — Буюк Британия кўшма корхонаси Фарғона шаҳрида ўз бўлимини очди.

Мамлакатимизда Япония маданияти кунлари бошланди.

БМТнинг тараққиёт дастури асосида Қарши шаҳрида хотин-қизлар ўқув маркази очилди.

Қурилиш ва буюртма материаллари саноати ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши Бухоронинг 2500 йиллиги шарафига гишт терувчилар ўртасида «Энг моҳир касб устаси» танловини ўтказди.

СУДЬЯЛАР АССОЦИАЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида 12 сентябрь кунини Ўзбекистон судьялари ассоциациясининг ташкили бўлди, унда республика Олий суди, Олий ҳужалик суди вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, шаҳар ва туманлар судьялари, суд идоралари фахрийлари, хорижий меҳмонлар иштирок этиди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг сўзидан катнашчиларига табригини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Б.Ғуломов ўқиб эшиттирди.

Сузга чиққанлар ҳуқуқий демократик жамият барпо этаётган республикамизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилдигани, судьялар ассоциациясининг ташкил этилиши ҳам бу борада муҳим қадам бўлишини таъкидлади. Ассоциациянинг асосий вазифаси йўлбошимчи судлар фаолияти моҳиятини тубдан ўзгартириш борасида кўйган вазифаларни изчиллик билан бажариш, суднинг жазоличи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган органга айлантиришга хизмат қилишдан иборатдир.

Сўзда доҳимиятнинг мустақил учинчи тармоғи бўлган судлар таркибини такомиллаштириш, уларни янги тузилмалар билан тулдирини, суднинг ҳуқуқий демократик давлат куриш, ҳар бир фуқароннинг ҳуқуқлари, шайни ва қадр-қимматини мустаҳкам муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама этилди.

Сўзда Ўзбекистон суд ялари ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ассоциациянинг устави, судьялик этикаси қоидалари ва бошқа меъерий ҳужжатлар тасдиқланди. Республика Адлия вазирлигининг фуқароларга ҳуқуқий ёрдам курсатиш бошқармаси бошлиғи Абдул Тухташев Ўзбекистон судьялари ассоциацияси ва Марказий кенгаши раиси этиб сайланди.

Сўзда Ўзбекистон Олий судининг раиси У.Мингбоев, Олий ҳужалик суди раиси М.Абдусаломов, республика Бош прокурори Б.Муетафоев, адлия вазирини С.Мирсафоев катнашди.

(ЎЗА).



Ўзбекистон кончилари.

С. ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Янги замон одами

БИР «КАЛХЎЗ»ДАН БОЙ ФЕРМЕР

Шурчи туманидаги Алихон Сафаров номли жамоа хужалиги бош ҳисобчиси Жалғош Маматмуниновдан, ҳисоб рақамингизда қанча пулларингиз бор, деб сурадим.

— Тўқсон олтинчи хужалик йилини, 368 минг сўм соф фойда билан якунладим, — деди ҳисобчи энди қолганини узингиз аглаб олаверинг дегандай қилиб. — 368 мингга бир трактор... бермайди-да.

Уша кунни шу хужалиқдан ушиб қиққан Аҳмад Қудратов деган фермер қақмазини учратиб қолдим. Унга ҳам ҳисобчига берган саволимни такрорладим. Аҳмад-жоннинг тили бурро, миллиондан нарибери пули бор. Қурасида 200 бошдан зиёд қорамол.

Хужалиқнинг чорваси ҳисобчиларнинг лунда лўқмаси билан айтганда — «убитка». Масалан, биргина 20 та йилки хужаликка бултур 20 минг зарар берилпти. Қуйларнинг жуни усади... Жундан, минг бош атрофидаги қуйдан бултур хужалик ярим миллионча зарар қурди.

Аҳмад-жоннинг чорваси-чи? Аҳмад-жон ташкилотлар билан шартномалашиб, кунига 400 килограмм сўт солади. Килоси — 20 сўмдан. Демак, бир кунда 8 минг сўм даромад. Ойига бир-бир ярим тонна сотиладиган гўштининг даромадини айтинг. Аҳмад-жоннинг 44 гектар ери бор. 22 гектарига бугдойнинг «Добрий» деган намини эккан экан, 60 центнердан ҳосил олинди. Галланнинг жойида энди уша 200 қорамолни туйғизадиган маккажухори экилади. Беда олти марта уриб олинади.

Аҳмад-жон қулидан мол қупайдиган йигит. Бундан 9 йил аввал хужалиқнинг эликта молини ижарага олувди. Орадан 4 йил ўтиб фермер бўлди. Моллари, ҳали айтганимиздай, турт баравар қупайди, энди булса, молларини яна қупайтириб, уша 44 гектар ер билан 300 та қорамолни боқиб мумкинлигини курсатмоқчи.

«Калхўз»нинг Аҳмад фермерга ҳаваси келсин, деймиз.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ ДУНЁНИНГ



Ў Қоҳирада парламентларо иттифоқнинг 98-конференцияси ўтатири. Унда 138 мамлакатнинг парламентлари вакиллари иштирок этмоқда.

Пайшанба кунини, конференциянинг очилиш пайтида Миср Президенти Хусни Муборак жаҳон ҳамжамияти аъзолари хоҳ ривожланган бўлсин, хоҳ тараққий этаётган мамлакат бўлсин барчасининг манфаатларини кўзда тутишчи янги қўнда-ларини яратиш зарурлиги алоҳида эътибор бериб. Шунингдек, Бутунжаҳон демократия декларациясини қабул қилишни ҳам таклиф этди.

НАТО Бош қотиби Хавьер Солана бир кунлик ташриф билан Босния ва Герцеговинага келди. Бу ташриф Босния ва Герцеговинада 13-14 сентябрь кунлари бўлиб ўтаётган муниципал сайловлар муносабати билан амалга ошди.

Мустақил Чехословакиянинг биринчи президенти Томаш Гарриг Масарик вафотининг 60 йиллигига бағишланган конференция Прага шаҳрида очилди.

Пекин шаҳрида Хитой Коммунистик партиясининг сўзиди очилди. Сўзд делегатлари давлат секторидоги корхоналарни хусусийлаштириш режисини тасдиқлашлари керак. Бу дастурни ХХР Раиси ва партиянинг Бош қотиби Цзянь Цзэминь таклиф этган. Бундан ташқари партия раҳбар орастарининг янги таркиби ҳам тасдиқланади.

Яқин Шарқда меҳмон бўлиб турган АҚШ давлат қотиби Мадлен Олбрайт Сурияга жўнаб кетиши олдидан Жавастин маъмурияти раҳбари Ясир Арафат билан учрашди. У энди Сурия Президенти Ҳафиз Асад билан музокаралар олиб бориши кўзда тутилмоқда. М. Олбрайт Александрия (Миср), Жидда (Саудия Арабистони) ва Оммон (Йордания) шаҳарларига ҳам боради.

Уз мустақиллигининг олти йиллигини муносиб нишонлаган мамлакатимизда, туб иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ўзгаришлар жаддалик билан содир бўлаётган бир даврда, ҳар бир фуқародан хусусан раҳбар ходимдан, Ватанга чексиз меҳрмуҳаббат, унинг салоҳияти ва нури келажакга қомил ишонч, ислохотларни рўйга чиқаришда фидойилик билан бирга, янги дунёқараш, истиқлол тафаккури, замонавий билимлар, касб маҳорати талаб қилинади. Зеро, олти йиллик амалиёт ушбу фаилатларга эга бўлмаган кишиларга масъулиятли ишлар топширилган жойларда ислохотлар оқсб қолётганидан далолат бермоқда. Шу боис, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов кадрлар масаласига алоҳида эътибор бермоқда. **Тараққиёт ва ислохотларнинг ҳозирги босқичида кадрлар билан ишлаш, дейди йўлбошчимиз, ўта муҳим, амалий аҳамият касб этади.** Халқимиз йўлбошчиси ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Тайёрланишнинг йўлбошчиси» Қўнуннинг республика Олий Мажлиси IX сессияси томонидан қабул қилиниши шу йўналишда қўйилган муҳим амалий қадамлардир. Жамиятимиз учун жуда муҳим ушбу масала партияимиз учун ҳам долзарбдир. Чунки, сиёсий маданиятнинг даражаси ва савияси, ташкилотчилик маҳоратига эга бўлмаган, узоқни кура билмайдиган ва мавжуд шарт-шароитларда самарали ишлашга интилолмайдиган кишилар раҳбарлик қилиш, одамлар орасида ишлаш, уларнинг бошини қовуштириш, мустақиллигини мустақиллаш масаласида қўлдан қўймай, бундай ноқом раҳбарлар ташкилотларимиз олдида турган вазифаларни бажаришни таъминлай олмайдилар, уларнинг нуфузига зиён етказадилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши шулари ҳисобга олиб, партия тузилмаларида фаолият курсатувчи раҳбар кадрларни

танлаш ва тарбиялаш ишига эътиборни қучайтироқда. Жумладан, партия вилоят, шаҳар ва туман кенгашилари масъул ходимларнинг ўқишлари мунтазам ташкил қилинмоқда. Шу йилнинг узайди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашилари биринчи котиблари Андижон вилояти партия кенгаши негизда ўтказилган республика кургасма-

нинг икки кунлик ўқувлари уюштирилди. Беш мингтақа — Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Наманган, Қашқадарь вилоятларида ўтказилган ушбу семинарларда жами 300 дан зиёд партия маҳаллий кенгашилари раҳбарлари ва тақлиф этилган фаоллар иштирок этдилар. 50 нафарга яқин киши дастурлар доирасида сўзга чиқди. Ўқувларнинг самарали бўли-

долзарб масалалар ёритилди. Партияимизнинг ислохотлар боришидаги ўрни ва ҳиссаси, унинг парламентчилик фаолияти, мафкуравий, ташкилий-сиёсий ишлари, ишлаб чиқариш-молиявий аҳоли таҳлил қилинди. Ушбу соҳалардаги ижобий ишлар қўллаб-қувватлаб, камчиликлар танқид қилинди, ХДП сайланма органлари, маҳаллий ташкилотлар, матбуот нашрларининг жо-

семинарлар қатнашчилари Қорақалпоғистон республика, 4 та вилоят, 18 та шаҳар, туман кенгашилари ва 20 дан зиёд бошланғич, ҳудудий партия ташкилотларида бўлиб, уларнинг ишлари билан танишдилар, масъул ходимлари ва фаоллари билан суҳбатлашдилар, тулган тажрибани ургандилар, муаммоларни ечиш йўли ва воситалари ҳусусида фикр алмашдилар.

Шу билан бирга, партияимиз фаоллари унлаб шаҳар, туман, корхона, ҳўжалик, ташкилотлар («УзДЭУавто» (Асака) Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси, Навоий тоғ металлургия комбинати, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Наманган «Шойи» ишлаб чиқариш жамияти, «Мингбулоқнефть» давлат ҳиссадорлик корхонаси, «Каштек» туқимачилик мажмуи (Қарши), «Андижонтекс», «Шаҳрисабз консерва» ва «Қашқадарь мармас» ҳиссадорлик жамиятлари, қатор жамоа ва фермер-деҳқон ҳўжаликларига) таширф давомида қўллаб-қувватландилар, хусусий мулк эгалари, деҳқон-фермер ҳўжаликларини бошлиқлари, тадбиркор раҳбарлар, ақциядорлар билан мулоқот қилдилар, ислохотларнинг изчил бораётганиги, уларнинг самара бера бошлаганилигини гувоҳи бўлдилар.

Семинар қатнашчиларининг Андижондаги «Боги Бобур» мажмуи, Навоийдаги Қосимшаҳ ва Намангандаги Мулла Бозор охунд мақбаралари, Шаҳрисабздаги Амир Темур билан боғлиқ қадимжоларни зиёрат қилишлари, Жиззахдаги Ш. Рашидов уй музейи, Нукусдаги И. Савицкий

Ўқиш ва ўрганишдан мақсад — ишимиз самарадорлигини ошириш!

ли семинарида қатнашиб, бу ерда қилинаётган кенг қуламли ишлар — ислохотларнинг бориши ва унда ХДП аъзоларининг иштироки, маҳаллий партия ташкилотларнинг истиқлол маънавиятини шакллантириш, хусусан «Маърифат» марказларини тузиш, борасида тулган ижобий тажрибаларини ургандилар. Дарҳақиқат, ушбу вилоят ХДП ташкилотлари партиявий фаолиятнинг барча соҳаларида изланувчанлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик намуналарини курсатмоқдалар, уз амалий ишлари билан аҳоли турли қатламларининг ҳурматида сазовор бўлиб, маъқеларини мустаҳкамлаётдилар. Семинар қатнашчилари вилоят, Андижон ва Асака шаҳар, Шаҳрихон туман партия кенгашилари, қатор корхона, ҳўжалик, муассасалар ва маҳаллаларда фаолият курсатаятган ХДП бошланғич, ҳудудий ташкилотлари, улар ҳўзуридидаги «Маърифат» марказларида бўлиб, ибратли ишларни уз қўзлари билан қўридилар, партия фаоллари билан суҳбатлашиб, бунга ишонч ҳосил қилдилар.

Июнь-сентябрь ойларида Ўзбекистон ХДП шаҳар ва туман кенгашилари биринчи котиблари-

Қарор ва ижро

портнинг иш сифати яхшиланди. Уюшма 2 бугунги бошқариш тизимида утгандан кейин бошқарув девони 67 кишига эки 39,6 фоизга қисқарди. Ҳозирги кунда ҳам уюшма таркибини такомиллаштириш ишлари давом этаётти.

Жорий йилнинг 7 ойида 70,5 миллион йўловчи ташилди. Бу утган йилдаги нисбатан 5,9 фоиз кўп. Бунга ҳаракат воситаларининг 344 тага эки 7,2 фоиз камайганига қарамай эришилди. Олинган даромад эса 20 фоизга ошди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасида ислохотларни амалга ошириш жараёнида иқтисодий муносабатларда ҳам жиддий ўзгаришлар руй берди. Масалан, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш буйича қабул қилинган дастурларни амалга ошириш ҳисобига 49



Энди балик шўрва қилсак ҳам бўлаверади. Х. АРАББОЕВ олган сурат.

Зомин суви — Даштободга

Жиззахдаги Зомин — Даштобод суви иншооти қурилиши уз ҳажми ва қулами жиҳатдан улкан иншоотдир. Бу муҳим иншоот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 13 октябрдаги қарорига асосан барпо этилмоқда. Қурилиш ишларини вилоят жамоа ҳўжаликлараро қурилиш трестига қарашли 74-ҳўжаликлараро маҳаназиялашган кўлма қолонна бунёдкорлари амалга оширмоқда. Қурилиш бошланганига икки йил бўлди. Мазкур суви иншоотининг умумий қиймати 1991 йил нарҳида 24 миллион сум, ҳозирги нарх билан 1,5 миллионни ташкил этади.

Суви иншоотини қуришдан мақсад — Зомин суви омборидан келаятган сувини қайта ишлаб, тозалаб Зомин тумани марказида яшовчи аҳоли ва Даштобод шаҳри меҳнатқашарига етказиб беришдир. Қувурларнинг умумий узунлиги 43 километри ташкил этади.

«Зомин-Даштобод» суви иншооти қурилиш республика аҳамиятига молик биринчи тоифали қурилиш майдонини ҳисобланади, — дейди 74-ХМК бошлиғи Исмоил Хайруллаев. — Мазкур иншоот лойиҳа қуввати буйича бир кеча-кундузда аҳолига 39 минг куб метр суви етказиб

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганга бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Ҳўн, шу давр ичида Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишда қандай даражага эришилди? Бу борада нималар амалга оширилди, навбатдаги вазифалар қандай? Бу ҳақда «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Шомурод Шохадиевич МУҲАММАДЖОНОВ мухбири-мизга қўйилган сўзларни гапириб берди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси таркибига шаҳар автобус ва таксомотор корхоналари, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси, «Тошметрополитен» киритилган. Албатта алоҳида- алоҳида бўлиб келган бу корхоналарнинг бирлаштирилиб уюшма ташкил топиши иш юритишда масъулиятни оширмоқда. Натижанда

Аҳоли манфаатига даҳлдор

га хизмат курсатиш учун жалб қилинди.

Бу эса уюшма буйича даромадларини ошириш билан бирга харажатларни камайитиришга ҳам олиб келди. Қурилган чоратадбирлар натижасида корхоналарда электр энергия сарфи 19,8 миллион квт. соатта, иссиқлик энергияси сарфи 5300 Ткал эки 10,6 фоизга, қозонхона екилгиси 222 шартли екилги тонна эки 23,7 фоизга камайитирилди.

«Мерседес-Бенц» автобуслари сервис хизмати курсатиш маркази ташкил қилинди. Ҳозирги кунда бундай марказ 2, 8-автокорхоналарда мавжуд. Автобусларга сервис хизмати курсатиш ишлари ана шу марказда амалга оширилади. Бу ердаги ишчи ва хизматчиларнинг бир гуруҳи Олмония заводларида малякасини ошириб қайтдилар. Бу ишлар албатта уз натижаси-

ган ва 1996 йил 1 октябрдан тадбиқ қилинган. Бу гувоҳнома уюшманинг «Йўловчитранссервис» ҳўжалик ҳисобидати маркази томонидан тарқатилди.

Ҳозирги кунда шаҳарнинг трамвай йўллари 271,2 километрига, троллейбус йўллари 325,5 километрига ташкил этади. 143,4 минг квт. суват қувватга эга булган 72 та қувватли станциялари уларни электр энергия билан таъминламоқда. Утган бир йил давомида ана шундай 5 та қувватли станцияси, 43,67 километр троллейбус йўллари, 5,48 километри трамвай йўллари қуриildi. 19,6 километри Амир Темур хиёбони — Қўйлик йўналишида троллейбус қатновия амалга оширилди.

Шаҳар аҳолиси йўловчи транспортидан фойдаланишни энг тарққий этган мамлакатлар даражасига кўтариш асл мулдаомиздир.

Сўхбатни М. УМРЗОҚҲҲАЕВ эъиб олди.

Сувсизлик азоблари

Ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаати учун бўлиши керак. Лекин пойтахтимиздаги «Ўрикзор» даҳаси Самар Бону 3-тор кўчасида энг ҳаётий зарурат бўлган сув билан таъминлаш масаласига ҳамон бефарқ қаралмоқда. Кечалари уйку ўрнига сув келишини пойлаймиз. Соат тунги 1-2 ларда жилдираб келади, ана соат 5-6 ларда таққа тўхтади. Кўчамизда ҳар оилада камда учтадан фарзанд бор. Кун иссиқлигида болаларимизни ювинтириш учун эмас, уларга ичиш учун ҳам бир томчи сув топиб бўлмайди. Не ниятлар билан фуқаролар йиғинида ўз-ўзини бошқариш органига раис ҳам сайладик. Шаҳар сув ташкилотларига ҳам мурожаат қилдик. Арзу-додимизга ҳеч ерда қулоқ солишмади. Энди додимизни кимга айтилик?!

Самар Бону 3-тор кўчасида яшовчлар номидан 13-уйда истиқомат қилувчи Омйна КАРИМОВА.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Гўшти яхши-ю, жунни сабилми?»

Газетанинг 1997 йил 5 июль сонида чоп этилган «Гўшти яхши-ю, жунни сабилми?» сарлаҳали таққидий мақола ўрганиб чиқилди. Шу ҳақда қўйилганларни маълум қиламиз.

Айни пайтда мақолада кўтарилган муаммолар долзарб бўлиб, уларнинг ечимини топиш аҳолининг шахсий ёрдамчи ҳўжаликларини ривожлантиришга беқўёс амалий ёрдам курсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 апрелдаги 215-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашга уларнинг ролини қучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони»ни бажаришни ташкил этиш масалалари ҳақда»ги қарориди шахсий ёрдамчи ҳўжаликлариди етиштирилган маҳсулотни жойларида сотиб олиш масалаларининг энг ечимлари кўрсатиб ўтилган.

Аҳоли шахсий ёрдамчи ҳўжаликлариди етиштирилган жунни сотиб олиш вазифаси «Ўзбекбиллаш» ташкилотларига юклатилган. Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида улар фаолият курсатишмоқда. Лекин ушбу ташкилотнинг мутасадди раҳбарлари таъқлилашча, аҳолидан жунни харид қилишдаги асосий муаммолардан бири тўловларни амалга оширишда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар жорий этилганлигидир. Натижанда қишлоқ жойлардаги меҳнатқашлар жунни тайёрлов ташкилотларига эмас, балки арзон бўлса ҳам бозорга чиқариб сотишга мажбур бўлишмоқда. Шунинг учун 7 ой мобайтида Қорақалпоғистон Республикасининг тайёрлов ташкилотлари томонидан атиси 3 тонна жун аҳолидан харид қилинган.

Лекин муаллиф таъқидлаганидек, тайёрланган жундан мавжуд давлат техник андозаларига қўра қийим-кечак эмас, балки фақат гилам, кигиз ишлаб чиқаришдагина фойдаланиш мумкин.

Шу билан бирга Келес жун фабрикаси бўлимлари томонидан аҳоли ҳўжаликлариди етиштирилган жунни харид қилиш ишлари олиб бориламоқда. Утказилган чора-тадбирлар суи амалга оширилиши натижасида жунни аҳолидан йиғиштириб олиш қийинчилик билан бормоқда.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги чоравчилик мажмуи бошлигининг ўринбосари О. СОБИРОВ.

